

Садақа радди бало



23:04 / 07.11.2018 4265

Муҳаммад ибн Усмон отасидан ривоят қилади:

«Ҳориса ибн Нўъмоннинг кўзлари кўрмас эди. Шунинг учун намоз ўқийдиган ҳужрага эшик олдиғача бир ип тортиб қўйганди. Бирор тиланчи келса, шу ипдан тутиб эшиккача борар ва садақа берар эди.

Фарзандлари:

- Отажон, нега ўзингизни бунча овора қиласиз? Сизнинг ўрнингизда бу ишни биз ҳам қиламиз-ку, - дейишди.

Шунда Ҳориса ибн Нўъмон:

- Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Кишининг ўз қўли билан камбағалга (садақа) бериши, уни ёмон ҳолларга тушиб қолишидан**

сақлайди”, дея марҳамат қилганларини эшитганман, – деб жавоб берибди.

“Қалбимизнинг нури” китобидан